Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

29 ноябрь, сешанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 235 (982)

*ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам жаноб Президент!

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик руҳи билан суғорилган мактубингиз учун сизга чин юракдан самимий миннатдорлик билдираман.

Сизга маълумки, 1994 йил 9 октябрида Австрияда парламент сайлови ўтказилган, сайловдан кейин янги ҳукумат тузиш юзасидан узоқ давом этган музокаралар бошланган эди.

Мамлакатингизга ташрифимнинг аниқ вақти белгиланмаганига айнан мана шу ҳол сабаб бўлганини маълум қилиб, уни инобатга оларсиз, деб умид қиламан. Бироқ, тўла ишонч билан баён қиламанки, мамлакатингизга ташрифим янаги йилда албатта амалга оширилажак.

Икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик бўйича жуда қизиқарли бир қанча лойиҳалар тайёр бўлганидан хабарим бор. Уларнинг айримлари ҳозир мукаммалаштириш жараёнида, лойиҳалар мутахассислар синовидан ўтказиб бўлинганидан кейин икки томонлама музокаралар давом эттирилади.

Мамлакатингизга бўлган юксак эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз, муҳтарам жаноб Президент!

**Камоли эҳтиром ила, Франц ВРАНИЦКИЙ,**
**Австрия Республикаси Федерал канцлери.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ПЕНСИЯЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 135 сўм қилиб белгилансин.

2. Ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсиялар, шунингдек болаликдан ногиронларга, кекса ва меҳнатга яроқсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 1,2 баравар оширилсин.

3. Мазкур Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 28 ноябрь

## ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Қўқон шаҳрида Фарғона вилояти агросаноат мажмуига кирувчи ташкилот раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида йиғилиш бўлди.

Республика мутахассислари икки кун давомида вилоятда кузги-қишки ишларнинг бориши, 1995 йил ҳосилига замин тайёрлаш, аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда божхона хизмати фаолиятини ўрганган эди. Йиғилишда ана шу текширув натижалари кўриб чиқилди.

Жорий йилда вилоятда 62129 гектар ерга ғалла экилди. Шундан 43000 гектарини пахта майдонлари ташкил этади. Аксарият хўжаликларда ерни ғўзапоядан тозалаш вақтида амалга оширилмаётгани сабабли униб чиққан буғдойни озиқлантириш кечикяпти. Йиғилишда сўзга чиққан мутахассислар бу борадаги камчиликларни бартараф этиш борасида тавсиялар берди.

Етиштирилган ғаллани йиғиб олиш ҳам муҳим иш, шуни инобатга олиб ҳозирданоқ зарур техникани тартибга келтириш чора-тадбирларини кўриш лозимлиги йиғилишда таъкидланди. Шунингдек, ҳар бир ғалла майдонининг эгаси бўлиши, уни пайхон этилишига йўл қўймаслик, бу ишда раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, жойларда ғалла қабул қилиш пунктлари қуриш, ун комбинати ва савдо дўконларида ун ва нон маҳсулотларининг четга чиқиб кетишига барҳам бериш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда вилоят аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан мунтазам таъминлашни янада яхшилаш, зарур замонавий технологияга асосланган кичик нон заводлари қуриш, маҳсулот турларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш хусусида чора-тадбирлар белгиланди.

Республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов йиғилиш қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Йиғилишда вилоят ҳокими М. Исломов иштирок этди.

(ЎзА).

## ШОИРНИНГ ТАВАЛЛУД ТЎЙИ

Саховатли заминимизда турли миллат вакиллари яшаб, халқ хўжалиги, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Машҳур корейс шоири Борис Пак 60 ёшга тўлди. Ана шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Баҳор» концерт залида адабий кеча ўтказилди. Шоирнинг дўстлари, мухлислари уни муборак ёши билан қутлаб, маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида гапирдилар. Янги ижодий зафарлар тиладилар.

Мамлакатимиз Президентининг Фармонига кўра таваллуд тўйи арафасида Б. Пак Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган эди. Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев шоирга ана шу юксак мукофотни тантанали равишда топширди.

Кечада шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради.

(ЎзА).

*Республика Вазирлар Маҳкамасида*

## ТРАНСПОРТДА ТАРТИБ ЎРНАТИЛСИН

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.**

«Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси бўлинмаларида нефт маҳсулотларини сақлаш, улардан фойдаланиш ҳамда автотранспорт ишининг аҳволи ва Тошкент шаҳридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияларининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасининг фаолияти илгари ҳам комиссия мажлисида кўриб чиқилгани, транспорт ишини яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди. Бироқ йўловчиларни ташиш тизимида туб ўзгариш бўлмади, ҳаракат жадвалини бузиш, автотранспортнинг йўналишдан четга чиқиши, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ўзбошимчалик билан кира ҳақини ошириши ҳолларига барҳам берилмади.

Меҳнат интизомининг бўшлиги сабабли кўпгина йўналишларда зарур миқдорда транспорт воситалари ишлаши таъминланмаяпти. Бу аввало 2519-автоколоннага, 1,5,7,18-автопаркларга тегишлидир. Уюшмадаги автобусларнинг 40 фоиздан кўпроғи техникавий жиҳатдан носоз. Тарнспорт корхоналарининг раҳбарлари автотранспорт, троллейбус ва трамвайларнинг кўнгилдагидек ишлашини ташкил этиш юзасидан қаттиқ чораларни кўрмаётир. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг кўплаб асосли шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Нефт маҳсулотларини сақлаш ва ундан фойдаланишнинг аҳволи талабга жавоб бермайди, нефт омборларининг техникавий ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилмаган, нефт маҳсулотларининг ортиқча сарфланиши давом этмоқда, ёнилғи билан ишлайдиган техниканинг ишини ҳисобга олиб бориш йўлга қўйилмаган. Тошкент шаҳридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари ишида нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Нефт маҳсулотларидан фойдаланишдаги бепарволиги, автомобиль транспорти ишида тартиб ўрнатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрмагани учун 18-автопарк бош муҳандиси Б. Қосимов, 1-автопарк бош муҳандиси А. Тўрақулов, 2519-автоколонна директорининг ўринбосари Б. Юсупжонов лавозимидан бўшатилди. 1-автопарк директори Р. Усмонов, 5-автопарк директори М. Мирқосимов ҳамда «Тошшаҳарйўловчитранс» трамвай, троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси авария-тиклаш хизматининг бошлиғи С. Тоипов қаттиқ огоҳлантирилди. «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасининг раҳбарлари ҳам шаҳар йўловчиларни ташиш транспорти ишида тартиб ўрнатиш юзасидан самарали чоралар кўрмагани учун шахсан жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилди.

«Ўздавнефтмаҳсулот» автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари ишидаги нуқсонлар учун Тошкент шаҳридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияларининг икки нафар бошлиғи ва беш нафар ходими ишдан бўшатилди.

Мажлисда шаҳар транспорти ишини яхшилаш, нефт маҳсулотларидан фойдаланишда тартиб ўрнатиш, интизом ва қонунийликка риоя қилиш учун ходимларнинг масъулиятини ошириш юзасидан қўшимча чоралар белгиланди.

Мажлисда Бош вазирнинг ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов, Р. Юнусов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

## ЭЗГУЛИК ПОСБОНЛИГИДА — 70 ЙИЛ

26 ноябрь куни пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида республика Адлия вазирлигининг 70 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бу ерга вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, судлари, нотариал, ЗАГС идораларининг ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари делегациялари ҳамда Ўзбекистондаги хорижий мамлакатларнинг элчилари ташриф буюрди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг юбилей муносабати билан Республика адлия тизими ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Ғуломов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Алишер Мардиев вазирликнинг 70 йиллик йўли тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан бир гуруҳ ватандошларимиз адлия ва суд органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, қонунчиликни мустаҳкамлашга, ҳуқуқни тарғиб қилишга қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнашаётгани учун республикамизнинг фахрий унвон ва ёрлиқларига сазовор бўлган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов адлия тизими ходимларини шонли сана билан қутлаб, ана шу мукофотларни топширди.

Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков адлия тизими ходимларини Республика ҳукумати номидан қизғин табриклади.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов қатнашди.

Йиғилиш қатнашчилари учун катта байрам концерти намойиш этилди.

(ЎзА).

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

**26 ноябрь куни Тошкентда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мажмуининг мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистоннинг, вилоятларнинг ҳамда вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари иштирок этишди.**

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига доир қарорларининг бажарилиши якунлари, шунингдек, 1995 йил учун шу жараённинг маҳаллий дастурларини ишлаб чиқишнинг бориши кўриб чиқилди. Бозор иқтисодиётига доир ўзгартишлар тармоқларда ҳам, ҳудудларда ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастурига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу эса ана шу дастурнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, дастурни бажариш борасида бошқарувнинг тармоқ органлари, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва маҳаллий ҳокимият ҳамжиҳатлик билан ишлашига эришиш имконини берди.

Республикамизда бозор ислоҳотларини амалга оширишнинг асосий омили бўлган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг моҳияти биринчи навбатда бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш учун ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий соҳибларини топишдан, монополияга барҳам бериш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини оширишдан иборатлиги таъкидлаб ўтилди. Бу соҳада муайян ижобий тажриба тўпланди.

Шу билан бирга 1994 йилда ишда кўп камчиликларга ва расмиятчиликка йўл қўйилди -- Вазирлар Маҳкамасининг иш дастури етарли даражада тўла бажарилмаяпти, тузилаётган акционерлик жамиятларининг акциялар чиқариши ва сотиши суст бормоқда, хусусийлаштиришдан тушган маблағдан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланишда тезкорлик йўқ. Бир қанча тармоқларда белгиланган топшириқларнинг тўла ҳажмда бажарилиши хавф остида қолмоқда. Шунингдек қабул қилинган дастурларнинг бажарилишига тўсқинлик қилаётган бошқа муаммолар ҳам муҳокама қилинди. Шу сабабли давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш маҳаллий дастурларга йўл-йўриқ бўлиши учун «1995 йилда Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини кучайтиришнинг асосий йўналишлари»ни ишлаб чиқди. Дастурга киритиладиган иншоотлар иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни таъминлашни, хусусий сектор чиқараётган маҳсулот улушини 60 фоизга етказишни кўзда тутиб танланди. Маҳаллий дастурларнинг устувор йўналишлари ҳам белгиланди.

Мажмуа мажлисида маҳаллий ҳокимият органларига, вазирликлар, идоралар ҳамда бошқа муассасаларга мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш борасида аниқ топшириқлар берилди, белгиланган барча топшириқларни шу йилнинг охиригача бажариш вазифаси қўйилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг раиси В. Чжен сўзга чиқди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари Ю. Пайгин, Қ. Ҳаққулов, М. Шарифхўжаев, Р. Юнусов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).

## МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

28 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Меморандумни Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари А. Шайхов ҳамда Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлигининг савдо-сотиқни ривожлантириш бўйича бош директори Еунг Ву Ро имзолади.

Шу муносабат билан ўтказилган учрашувда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея-Ўзбекистон савдо ва иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси вакиллари иштирок этди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Кейинги вақтларда нақд чет эл валютаси билан операциялар ўтказиш соҳасида айрим фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонунларини бузаётган ҳоллар кўпайиб кетди. Бу эса жойларда, шу жумладан, Тошкент шаҳрида аҳолига АҚШ долларини сотувчи айрибошлаш пунктларида талаб ҳаддан зиёд кучайишига сабаб бўлди.

Ана шу муносабат билан сўмларни чет эл валютасига айрибошлашда вужудга келган кескинликни бартараф этиш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзсаноатқурилишбанк ва Ўзжамғармабанк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишган ҳолда Тошкент шаҳрида аҳолига эркин айрибошланадиган валюта сотиш бўйича қўшимча айрибошлаш пунктларини очмоқда. Айрибошлаш пунктларининг рўйхати «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинди.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 сентябрдаги қарори билан унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда 1994 йил 28 ноябрдан бошлаб ваколатли банкларнинг ихтисослаштирилган айрибошлаш пунктлари орқали нақд сўмларни эркин айрибошланадиган валюталарга алмаштиришдаги энг катта сумма миқдорини қуйидагича белгилади. Унга кўра, битта жисмоний шахсга -- Ўзбекистон Республикасининг фуқаросига ва унга тенглаштирилган резидентларга 1994 йилнинг охиригача аввалги айрибошлаш суммасини ҳисобга олган ҳолда 300 АҚШ долларигача айрибошлаш берилиши мумкин.

## ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### ЎЗБЕКИСТОН

Сирдарё вилояти марказида яқинда 300 ўринли кинотеатр фойдаланишга топширилди. Маданият масканига «Мустақиллик» деб ном берилди.

Уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари бепул, мактаб ўқувчилари жамоа бўлиб келса, 50 фоиз арзон нархда хизмат кўрсатилаётир.



**Хўжаободликлар ердан ҳамма вақт унумли фойдаланишга ҳаракат қилишади. Тумандаги Ҳамза номли жамоа хўжалигида амалга оширилаётган ишлар бунга мисол бўла олади.**

**Ўтган йили жамоа хўжалигида 27 гектар ердан йил бошида 53 центнердан дон етиштирилди. Унинг ўрнига экилган картошкадан кузга бориб гектаридан 360 центнердан ҳосил кўтарилиб, картошка ҳосили етиштиришда республикада биринчи ўринни эгалладилар. Бу йил хўжаликдаги Йўлчивой Хайдаров бошлиқ картошкачилик бригадаси аъзолари 18 гектар майдонга голланд картошкаси экишган эди. Уларнинг мақсади гектаридан 400 центнердан картошка олиш.**

**СУРАТДА: илғор бригада бошлиғи Йўлчивой Ҳайдаров.**

**Нукус шаҳрининг марказий деҳқон бозорида 26 та хусусий дўкон қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу иншоотларни дўкон эгалари ҳисобидан Нукус қишлоқ уйсозлик комбинати 3 ойда қуриб битказди. Янги дўкон пештахталари хориждан келтирилган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси корхоналарида ишлаб чиқарилган моллар билан тўлдирилгани харидорларни хушнуд этмоқда.**

Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳридаги «Дукент» асбобсозлик заводи нафақат Ўзбекистонда, шунингдек, ҳамдўстликда ҳам янги нафас йўлларини чангдан ҳимоя қилувчи мосламани кенг кўламда ишлаб чиқара бошлади.

У ўзининг юқори сифати ва қулайлиги билан despite кончилар, саноат корхоналари ишчиларига асқотади.

**Бу йилги кўрик-танловнинг сўнгги босқичида вилоятлар, пойтахт ва Қорақалпоғистон Республикасидан ўн тўрт нафар ўқитувчи қатнашди.**

**Фарғона вилоятининг Боғдод туманидаги 20-ўрта мактабнинг тарих муаллими Тўлқиной Халилова биринчи, Андижон туманидаги 13-ўрта мактабнинг муаллими Шаробиддин Ҳасанов иккинчи, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 234-ўрта мактабнинг тарих ўқитувчиси Қундуз Даламуратова йилнинг энг яхши ўқитувчиси номига сазовор бўлдилар.**

### ЖАҲОН

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Мозамбикда ўтказилган сайлов натижаларини қўллаб-қувватлади.**

**Хавфсизлик кенгаши Мозамбикдаги мухолиф тарафларни кўппартиялилик ва демократия тизими тамойиллари асосида миллий яраш жараёнини давом эттиришга чақирди.**

Болгария Президенти Желю Желев давлат ташрифи билан Францияга келди. Франция Президенти Франсуа Миттеран Болгария ўзаро фикрлашув асосида ички муаммоларини ҳал этаётганини, бу барча Болқон давлатлари учун намуна бўлиши мумкинлигини айтди.

**Россия Федерациясида сўнгги тўрт йил ичида жиноятчилик икки баробар ўсди. Айни пайтда мамлакатда ойига 220 минг жиноят қайд этилмоқда. Уларнинг ярмигина қонун ҳимоячилари томонидан очилмоқда холос.**

Тожикистон Олий Кенгаши Душанбеда Славян университети очиш тўғрисида қарор қабул қилди. Машғулотлар 1995-96 ўқув йилида бошланади. Ҳозир махсус ҳукумат комиссияси ташкилий ишлар билан машғул. Унда ижтимоий математика ва иқтисодга оид факультетлар бўлади.

**1995 йил Қозоғистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига мажбурий давлат буюртмаси бекор қилинади. Бундай маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи билан харидорлар ўртасида тузиладиган шартнома асосида сотилади.**

Америка Қўшма Штатлари Президенти Украинанинг ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилишини қўллаб-қувватлади. У мустақил Украинанинг гуллаб-яшнаши ва тараққий этишида, чегаралар хавфсизлигини таъминлашда АҚШ Украинага ҳамкор бўлажагини айтди.

**Польша соғлиқни сақлаш вазирлиги россиялик ҳамкасбларининг мамлакатга келаётган чет элликлар СПИД касаллигига қарши мажбурий кўрикдан ўтиши керак, деган таклифини халқаро меъёрларга мутлақо зид деб топди. Шунингдек, Россия парламентининг бу борада қабул қилган қонунини инсон ҳуқуқларининг чекланиши, деб баҳолади.**

КХДРда енгил сув асосида ишлайдиган икки атом реактори қарийб 8 йилда қуриб битказилади. Жанубий Корея ядровий тадқиқотлар институти директори Син Чэ Ин ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 4 миллиард доллар кераклигини айтди. Уни амалга оширишда Жанубий Корея ҳам иштирок этади.

• *25 декабрь — Сайловлар куни*

# ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА — ХАЛҚЧИЛ, АДОЛАТПАРВАР

## Козим ТЎЛАГАНОВ, Тошкент шаҳар ҳокими:



КЕЙИНГИ беш йилликда мамлакатимизда амалга ошириладиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг тақдири кўп жиҳатдан биз сайлайдиган Олий Мажлис, унинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ бўлади. Шуларни ҳисобга олиб мамлакатимиз Парламенти аъзолигига номзодлар танлашга алоҳида талабчанлик билан ёндошилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши, республика Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодлар орасида таниқли ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, маданият ва жамоатчилик намояндалари, йирик хўжалик ва тадбиркорлик тизимларининг раҳбарлари бор.

Ўзбекистон пойтахти -- Тошкент шаҳрида келгуси беш йилликда қилинадиган ишлар кўп. Пойтахт Президентимиз таърифлаганидек, чинакамига Шарқнинг дарвозаси бўлиши учун кенг кўламда бошланган ободончилик ишларини жадал давом эттиришимиз керак. Бу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча қабул қилган «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарорини алоҳида эслатиб ўтиш жоиз. Мазкур қарорда яшаш учун яроқсиз, эскирган уй-жойлар ўрнига икки-уч қаватли уйлар, аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари, гузарлар -- маҳалла марказлари қурилиши кўзда тутилган. Бўлажак ишларнинг турлари бўйича бош пудратчилар, бу ишларни пул билан таъминлаш манбалари аниқланди.

Пойтахтимизни ободонлаштириш, жумладан, Эски шаҳардаги қурилиш ишлари халқ билан бамаслаҳат халқимиз анъаналари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Тошкентда 2000 йилгача катта ўзгаришлар юз беради. Эскирган яшашга яроқсиз турар жойларни «эргаштириб» янги асрга кириб бориш -- кун сайин чирой очиб бораётган азим шаҳар учун муносиб эмас. Келгуси йили бу ерда 71 километр узунликда ичимлик суви, 62 километр узунликда оқава сув қувурлари ва бошқа иншоотлар қурилади. «Ўрикзор», «Ҳасанбой» мавзеларида муҳандислик иншоотларига алоҳида эътибор берилади. Тошкент шаҳрини газлаштиришни тўла-тўкис тугаллаш асосий вазифалардан биридир. Келгуси йили бунинг учун 56 километр қувур ётқизилади.

Кейинги вақтда пойтахт деҳқон бозорларини қайта қуриш ва таъмирлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. «Эски Жўва», «Олой», «Қўйлиқ», «Бешёғоч», «Фарҳод» бозорлари чирой очди. Бу ишлар давом эттирилиб, Юнусобод, Ҳамза, Миробод, Сергели туманларида янги деҳқон бозорлари қурилади ва қайта таъмирланади. Чилонзор туманида «Отчопар» буюмлар бозорини барпо этишга киришганмиз. Келгуси йили уни ҳам ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Тошкент шаҳрида янги йўллар қуриш, мавжуд йўлларни таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Фарғона йўли, Абдулла Қодирий, Лоҳутий, Фаробий, Уйғур, Сағбон кўчалари қайта таъмирланиб, бугунги кун талаби даражасига етказилади. Бундан ташқари, катта кўчалар кесишган жойда икки-уч қаватли чорраҳалар ҳамда янги кўприклар барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Тошкентда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда «Динамо» стадиони қайта қурилди. Юнсобод туманида теннис маркази барпо этилди. Аввалги Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг боғида болалар ва ўсмирлар учун чет эл сармояси асосида катта спорт комплекси қурилаяпти. Бу комплекс келгуси йил ишга туширилади. «Чорсу» меҳмонхонаси атрофида янги спорт иншооти қурилиши мўлжалланган бўлиб, айни кунда лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилди.

Биз Президентимизнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак» деган маслаҳатларига амал қилиб халқимиз турмуш даражасини ошириш чораларини кўрмоқдамиз.

Дастуримизнинг йўналишларидан бири -- Тошкентга чет эл сармояларини жалб қилишни кўпайтиришдир. Биз бунинг учун хорижликларга тегишлича шароит яратиб беришимиз керак. Ҳиндистонликлар билан ҳамкорликда қурилаётган меҳмонхона яқинда ишга туширилади. Тошкент аэропортини таъмирлаш мўлжалланмоқда. Бир қатор хорижий фирмалар Тошкент шаҳри худудида барча қулайликларга эга бўлган замонавий меҳмонхоналар қуриш юзасидан таклифлар билдиришган. Жумладан, Франция, Покистон, Туркия, Малайзия давлатлари вакиллари билан бу борада ўзаро битимлар тузишни кўзда тутаяпмиз. Келгусида мазкур хорижий фирмаларни уй-жой ҳамда мактаблар қуришга ҳам жалб этиш ниятимиз бор.

Шаҳар коммунал хўжалиги бошқарув тизими айни пайтда бозор иқтисоди талабларига жавоб беролмаяпти. Шу сабабли, тубдан янгилаш, ўзгартиш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Бу тизимни бошқаришни бугунги кун талабларига мувофиқлаштириш, уларнинг аҳоли олдидаги жавобгарлигини ошириш керак.

Тошкентда кўп ўтмай, чет эл бизнес маркази иш бошлайди. У илгариги халқ хўжалик ютуқлари кўргазмаси ҳудудида барпо этилаяпти. Шароф Рашидов кўчасида яна бир бизнес -- марказ қурилмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз чет эл сармоясидан фойдаланиб, қўшма корхоналар ташкил қилиш ҳамда жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан иборат. Айни пайтда Тошкентда 50 дан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатиб, ўз маҳсулотларини жаҳоннинг 23 мамлакатига экспорт қилмоқда. «Ўзэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Компрессор» заводи, «Олимп» ва «Файз» қўшма корхоналари ана шулар жумласидандир.

Маълумки, бизда бу галги сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтади. Модомики шундай экан ҳар биримиз сиёсий етуклигимизни кўрсатишимиз керак. Сайлов жараёнини халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар кузатувчилари назорат қилади. Биз агар қонунларга қатъий амал қилиб, сайловни муваффақиятли ўтказсак, давлатимизнинг дунёдаги обрў-эътибори янада ошади.

Биз Олий Мажлисга ҳар жиҳатдан баркамол, зукко, ғайратли депутатлар сайланишига ишонамиз ва улар мамлакатимиз тараққиёти йўлида тиним билмай меҳнат қилади, деб умид қиламиз.

## Мавлон РАҲМОНОВ, Бухоро вилояти ҳокими:



ҲУҚУҚИЙ, адолатли ва демократик жамият барпо этишнинг Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилига асосланган сайловолди дастуримизда иқтисодий ислоҳотларни изчил давом эттириш ва пировард натижага эришиш бугунги куннинг бош вазифаси эканлиги таъкидланган. Мулкни ҳақиқий эгалари қўлига топшириш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида юқори натижаларга эришиш йўли билан эл-юрт тўкинчилиги, фаровонлигини таъминлаш борасида вилоятда катта ишлар қилинмоқда. Маҳаллий саноат, маиший ва савдо хизмати корхоналари тўла хусусийлаштирилди, чорва фермалари, боғлар, сабзавот, полиз майдонлари тадбиркор кишиларга, тажрибали деҳқонларга берилди.

Вилоят саноат корхоналарининг 50,5 фоизи мулк шаклини ўзгартирди, 27 та очиқ типдаги ҳиссадорлик жамиятлари тузилди. Мустақиллик шарофати туфайли вилоятимиз саноатчилари жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари билан тўғридан-тўғри иқтисодий алоқалар боғлаб, қатор қўшма корхоналарни ташкил этдилар. Бухорода кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда «Голдстар» рангли телевизорлари ишлаб чиқарилаётган бўлса, «Ситора» ўзбек -- болгар корхонаси замонавий алоқа воситаларини тайёрламоқда. Шунингдек, вилоятимизда Ҳиндистон, Греция, Италия, Афғонистон, Исроил ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. 1996 йилгача чет эллар билан яна 25 та янги корхона тузилади.

Ҳозир вилоятимизда 500 га яқин катта-кичик объектлар қурилиши жадал суръатда олиб борилмоқда. Қоровулбозор туманида қад кўратаётган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи вилоятимиздаги гигант қурилишларидан бирига айланди.

Барча туман марказларини замонавий шаҳарсозлик талаблари даражасида қайта қуриш режалари амалга оширилаяпти. Ишбилармонлар буюртмаларига асосан қурилаётган янги бозор, дўкон, чойхона ва бошқа маданий-маиший объектлар шаҳар ва туманларимиз кўркига-кўрк қўшмоқда. Вилоятда бинокорлик ишлари ҳажмининг кенгайгани қурилиш соҳасини янада ривожлантиришни, унда маҳаллий хомашёдан кенгроқ фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу мақсадда Бухоро гипс-графит комбинатида янги қувватлар ишга туширилди. Италия билан ҳамкорликда тузилган сирланган плитачалар ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулот бера бошлади. Сайловолди дастуримизда бу тармоқни янада ривожлантириш бўйича янги режалар белгиланган.

Иқтисодий ислоҳотлар натижасида бир қатор соҳада меҳнат унумдорлиги юксалиб, ортиқча ишчи кучлари вужудга келди. Ана шундай кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни иш билан таъминлаш бўйича «Бандлик» дастурини ишлаб чиққанмиз. Саноатни қишлоққа кўчириб, у ерда катта-кичик корхоналар очиш янги ишчи ўринлари вужудга келтиришнинг бош йўли эканлиги дастуримизда кўрсатилган. Яқинда Шофиркон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигида фаолият кўрсата бошлаган «Варзонзе» ўзбек-турк қўшма корхонаси 500 га яқин аёлни иш билан таъминлади. Яқин орада Шофиркон, Ромитан ва Жондор туманларида янги тўқимачилик корхоналари қурилиб, дала ишларидан бўшаган хотин-қизлар янги касбларни эгаллайдилар. Ҳозир Олот ва Ромитанда сутни қайта ишлаш заводи қурилиши қизғин олиб борилаяпти. Келгуси йили қишлоқ жойларида 21 та консерва цехи, 96 та ғишт заводи, 78 та тикувчилик цехи, 138 та мойжувоз ва бошқа объектлар қурилиб, аҳолининг ишлаб чиқаришдаги бандлилиги даражаси ортади, хизмат кўрсатиш ходимлари сафи кенгаяди.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг асосий тармоғи. Бу йил республика хирмонига 360 минг тоннага яқин Бухоро пахтасини армуғон этиб, йиллик режани илғорлар қаторида бажарган вилоятимиз деҳқонлари келгусида ҳосилдорликни ошириб, қимматбаҳо хомашё етиштиришни янада кўпайтирадилар. Чунки туманлар, хўжаликлар пахта толаси билан жаҳон бозорига чиқадилар, иқтисодларини янада ўнглаб оладилар.

Аҳолини ўзимизда етиштирилган буғдой билан таъминлаш соҳасида янги қадам қўйилиб, келгуси йили дон ҳосили 176 минг тоннага етказилади. Бундан икки йил муқаддам вилоятда атиги 8 минг тонна картошка етиштирилган бўлса, келгуси йили картошкадан 20 минг тонна ҳосил олинади. Мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни яқин йиллар ичида сезиларли даражада ошириш, чорва маҳсулдорлигини юксалтириш режалари ҳам тузилган.

2000 йилгача хонадонларни тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш, чет эл инвестициялари ва технологияларини жалб этиш, вилоятда етиштирилган хомашёни тугал маҳсулотга айлантириш, бошқа ҳудудлардан маҳсулот келтириб, эл дастурхонини тўкин қилиш, ёшлар сиёсати, туризм ва бошқа масалаларни ўз ичига олган ишчи дастурларимизни ишлаб чиқиб ўз ижрочиларига етказганмиз.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг дастурида ижтимоий соҳани ривожлантириш ислоҳотларимиз муваффақиятининг омили эканлиги алоҳида таъкидланган. Эндиликда кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялашда аниқ, мақсадли йўл тутилади. Бу борада нафақат давлат бюджетидан, балки корхона, ташкилот, бирлашма ва ҳиссадорлик жамиятларининг ихтиёрий бадалларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Ҳозирги қийин шароитга қарамай бу йил Вобкентда 120 ўринли муҳташам касалхона, Бухорода 200 ўринли онкология диспансери ва бошқа ўндан зиёд шифо масканининг қурилгани вилоятда халқ саломатигига катта эътибор берилаётганидан далолат беради. Сайловолди дастуримизда тиббиёт қатори халқ таълими, фан ва маданият тараққиётига, жисмоний тарбия ва спорт равнақига алоҳида эътибор берилган.

Миллий истиқлол мафкурасини одамлар онги ва қалбига етказишга дилида ватанпарварлик туйғулари жўш урган, меҳнатсевар, ишбилармон, маънавий баркамол, мустақил Ўзбекистонга муносиб инсонларни вояга етказиш мақсади барчамизнинг диққат-эътиборимизда бўлади.

Бухоронинг 2500 йиллигига тайёргарлик жараёнида халқ бойлиги ҳисобланган тарихий обидалар таъмирланади. Бу ишда Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасини, Бухоро ва Ғиждувондаги Улуғбек мадрасаларини қайта тиклашда орттирилган бой тажрибадан фойдаланилади. Туризмни ривожлантириш, Бухорони очиқ сайёҳлар шаҳрига айлантириш асосий мақсадларимиздан биридир.

Айни кунда Олий Мажлис, вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, халқ фаровонлигини янада юксалтириш муаммоларини ҳал этиш масалалари бўйича ўз нуқтаи назарларини белгиламоқдалар. Элимизнинг нурафшон келажагини бугундан яратишга барчани даъват этмоқдалар. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сайловчилар ҳукмига ҳавола этган дастур ҳам ана шундай улуғвор мақсадга хизмат қилади.

## Қобилжон ОБИДОВ, Андижон вилояти ҳокими:



МАЪЛУМКИ, сайлов тўғрисидаги Қонун фақат партияларга эмас, балки жойлардаги ҳокимият вакиллик органларига ҳам депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини берди. Бу олий ҳокимият органига ҳам, маҳаллий кенгашларга ҳам фақат у ёки бу партиянинг эмас, балки аҳоли барча қатламларининг манфаатларини ҳам ифода этадиган депутатларни сайлаш имконини беради. Шу муносабат билан халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши ўз худудидаги 22 сайлов округидан республика Олий Мажлисига ўз номзодларини кўрсатди. Улар орасида олимлар, инженерлар, агрономлар, тиббиёт ва халқ таълими ходимлари, ишчилар, хуллас халқим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, Ватан келажаги учун қайғурадиган фидойи кишилар бор. Улар республика парламентига сайлансалар давлат ва халқ манфаатлари йўлида, юртимизнинг ободлиги ва фуқаролар осойишталиги, дастурхонимиз тўкинлигию хонадонларимиз чароғонлиги йўлида куч-ғайратларини, билим ва тажрибаларини аямасликларига қатъий ишонамиз.

Табиийки, депутатликка номзодларнинг ўз дастури ва олий мақсадлари бўлади. Хўш, Андижон вилоят кенгаши томонидан кўрсатилган номзодларнинг дастур ва ниятлари нималардан иборат?

Вилоятимизда аҳоли зичлигини ҳисобга олиб, кўплаб янги ишчи ўринлари яратишимиз керак. Қишлоқда саноатлашган агрохўжаликлар барпо этишимиз, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг асосий қисмини қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш тармоқларига жалб этишимиз лозим. Бу муаммоларни ҳал этиш учун вилоятимизда дастлабки шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу кунларда республикамиздагина эмас, Марказий Осиёда автомобилсозликнинг қалдирғочи бўлган Асакадаги «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасида дастгоҳларни ўрнатиш бошланди. Туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда гигант енгил саноат корхоналари «Антекс-1» ва Антекс-2" жадал суръатлар билан қурилмоқда.

Бундан ташқари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида чет эл фирмалари билан ҳамкорликда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган ўнлаб қўшма ва кичик корхоналар ишлаб турибди. 2000 дан ортиқ майда корхоналарда тадбиркорлар ва кичик бизнес вакиллари фаолият кўрсатмоқдалар.

Шундай қилиб, қишлоқни саноатлаштириш, қўшма ва кичик корхоналар барпо этиш йўли билан 1994 йилнинг ўзида 25 минг ишчи ўрни барпо қилинди. Келгуси йили яна 35 минг ишчи ўрни яратилади. Мустақиллик республика ва вилоят иқтисодийётини ривожлантириш учун чет эл сармояларини олиб келиш имконини беради. Биз яқин 2-3 йил ичида вилоят саноатини ривожлантиришнинг ўзига 350 миллион АҚШ долларидан зиёдроқ чет эл сармоясини жалб қилишни мўлжаллаб турибмиз.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида четга сифатли маҳсулот чиқармай, жаҳон бозорига йўл очмай туриб иқтисодиётда кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боисдан биз вилоятимиздаги янги корхоналарда, технологик линияларда халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор беряпмиз. Шу йўл билан вилоятимизнинг экспорт имкониятларини сезиларли даражада оширамиз ва иқтисодиётимизни тобора кўпроқ эркин муомаладаги валюта билан таъминлаймиз.

1997 йилга бориб миллий даромаднинг ички тизимини тубдан ўзгартирамиз. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад миқдорини сезиларли кўпайтирамиз. Миллий даромаднинг кўпайиши эса ҳаёт тобора яхшиланади, иқтисодий муаммолар ечилади, фуқаролар турмуши фаровонлашади, деган гапдир.

Халқимиз пахтани азалдан ризқ-рўзимиз манбаи, деб қадрлаган. Эндиликда биз пахтани тайёр маҳсулот сифатида қайта ишлаб, ундан кўпроқ даромад олиш йўлида изланаяпмиз. Яқин келажакда вилоятимизда етиштирилган пахтанинг асосий қисмини ўзимизда қайта ишлаб, четга тайёр маҳсулот чиқаришга эришамиз.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини ғалла мустақиллигисиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Шу боис кейинги пайтларда бутун республикамизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам дон етиштиришни кўпайтириш йўлида катта ишлар қилиняпти. Чунки, ғалла халқимизнинг асосий озиғидир. Омборида дони бор оиланинг эртанги кунидан кўнгли тўқ бўлади, хотиржам яшайди. Буни яхши билган ғаллакорларимиз кийинги йил ҳосили учун кузда 52 минг гектарга дон экдилар. Бу келгусида омборларимиз дон билан тўла бўлишининг кафолотидир.

Аҳолини картошка билан таъминлаш мақсадида Голландия технологияси асосида картошка етиштиришни кўпайтирамиз. Яқин йиллар ичида халқимизни фақат ўзимизда етиштирилган картошка билан таъминлашни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Шунингдек, келгусида аҳолини мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари билан ҳам янада мўлроқ таъминлаш чора-тадбирларини кўряпмиз.

Халқимизнинг маданияти ва маънавиятини янада юксалтириш мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятимизнинг ажралмас қисмидир. Вилоятимиз зиёлилари бу борада катта иш олиб бормоқдалар. Олий илмгоҳларда, мактабларда ўқитишни яхшилаш, ёшларга миллий урф-одатларимиз ва удумларимизни ўргатиш, буюк бобокалонларимиз ижодий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, тарихий обидаларни тиклаш борасидаги ишлар шулар жумласидандир.

Қонунлар устиворлигига эришиш замирида кучли тартиб ва интизом ўрнатиш, ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ҳам маънавиятнинг юксаклигига боғлиқдир.

Юксак маънавиятга эришиш ободончилик ва озодалик ҳам демакдир. Ободончилик эса ҳар биримизнинг ўз уйимиздан бошланади. Агар ҳар бир уй обод бўлса, маҳалла обод бўлади, маҳалла ободлиги эса қишлоқ ёки шаҳар ободончилигини таъминлайди. Биз ҳар бир андижонликни онгига ана шу оддий ҳақиқатни сингдириб, юртимизни, мамлакатимизни гуллаб-яшнаётган диёрга айлантиришни мақсад қилиб қўйдик.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва соғлиқни сақлаш масаласида амалдаги қонунларнинг бажарилишига эришиш асосий мақсадларимиздандир. Айниқса, аҳоли соғлигини ҳимоя қилиш борасида астойдил изланаяпмиз. Ҳозирги дори-дармон тақчиллигини ҳисобга олиб, чет эл фирмалари билан тола ҳисобига камида 2 йилга етадиган бир ярим минг турдаги дори-дармонларни сотиб олиш юзасидан шартнома туздик.

Ушбу мақолада депутатликка номзодларнинг фикрлари умумий тарзда қисқача баён этилди. Бизнинг сайлов дастуримиз ҳам ўзининг мантиқий моҳияти жиҳатидан халқимизнинг орзу-ўйларига монанд келади.

Андижонликлар бўлажак сайловларни кўтаринки руҳда, уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ўтказадилар, энг муносиб номзодлар учун овоз берадилар, деб ишонаман.

## Алишер ТОШКЕНБОЕВ, Жиззах вилояти ҳокими



АВВАЛАМБОР шуни таъкидлаш керакки, вилоятимизда сайловолди ишлари сайлов тўғрисидаги қонунларга тўла амал қилинган ҳолда юқори савияда ташкил этилган.

Вилоятимизда Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 9 та округ мавжуд. Вилоят кенгашига 55, шаҳар ва туман кенгашларига 309 та округ бўйича сайловлар ўтади. Овоз беришда вилоятимизда жами 397 минг сайловчи қатнашади. Тегишли қарор ва тадбирларимиз асосида сайловга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда.

Олий Мажлис депутатлигига, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда ташаббускор, амалий ишлари билан юксак обрў орттирган малакали, халқ манфаати йўлида ҳалол ишлайдиган кишиларга алоҳида эътибор берилди.

Бизнинг сайловолди дастуримиз, таъбир жоиз бўлса, айтмоғимиз керакки, оддий, яъни, халқ манфаатларидан, республикамиз раҳбариятининг, ҳукуматининг бугунги кун долзарб талабларидан келиб чиқади. Бу дастур асосида вилоят халқи манфаатларини ҳимоя қилиш, вилоятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, мустақил мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш, унинг устиворлигини, маънавий муҳитнинг соғломлигини таъминлаш ақидалари ётади.

Номзодларимиз режаларидан вилоят иқтисодини кўтариш, уни соғломлаштириш кенг ўрин олган.

Ўтган йиллар иқтисодиёти ўта сиёсийлаштирилиб юборилган эди. Иқтисодий манфаатлардан сиёсий манфаатларнинг устун қўйилиши, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг бузилишига, ишлаб чиқаришнинг техника жиҳатдан қолоқлигига олиб келди.

Биз бу йўлдаги режаларимизни ишлаб чиқишда, аваломбор Президентимизнинг 5 тамойилига таянамиз.

Иқтисодий ривожланиш дастуримиз 2000 йилгача мўлжалланган бўлиб, кўп муаммоларни ва тармоқларни ўз ичига олган.

Вилоятимиз потенциали жуда катта. Ундан самарали фойдаланилган ҳолда ўтган давр мобайнида анчагина ишлар малага оширилди, лекин қилинадиган ишларимиз салмоғи ундан ҳам кўпдир.

Вилоятимиз аҳолисининг 62 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилади. Маълумки ривожланган хорижий мамлакатларда ишга лаёқатли халқнинг 5-6 фоизи давлатни боқади. Ана шу мақсадни кўзлаб ерни севадиган, ардоқлайдиган, чорвачиликни тушунадиган деҳқонларга 11200 гектар лалми ва 10600 гекта суғориладиган ерлар ажратилиб, вилоятда 1,5 мингдан ортиқ деҳқон-фермер хўжалиги тузилди.

Сайловолди дастуримизда одамларнинг мулкчиликка муносабатини, айниқса шахсий мулк шаклига муносабатини тубдан ўзгартириш катта ўрин олган. Масалан: бугунга келиб биз 100 фоиз хўжаликларни давлат тасарруфидан чиқардик. Чорвачилик фермалари хусусийлаштирилди. Охирги 3 йил ичида одамларга 24 минг гектар ер томорқа қилиб берилди. Ким ошди савдоларида 40 дан ортиқ ҳар хил объектлар сотилди. Хуллас, мулк ўз эгасини топаяпти ва бу яқин келажакда, албатта, ўз самарасини беради.

Ўзимизни ўзимиз дон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш сиёсатига алоҳида эътибор қаратилган. Бу йил Жиззахда биринчи маротаба 150 минг тонна дон етиштирилиб, вилоят аҳолисининг эҳтиёжи тўла қондирилди. Келгуси йили эса бу кўрсаткични 200 минг тоннага етказиб, мамлакатимизнинг дон мустақиллигини таъминлашда ўзимизнинг муносиб улушимизни қўшиш ниятимиз бор.

Бу йил вилоят деҳқончилигининг асосий тармоғи бўлган пахта топшириш йиллик режасини бажара олмадик. Бунинг учун ўзимизни айбдор деб ҳисоблаймиз. Албатта, бунинг объектив сабаблари ҳам бор. Маълумки, вилотимиз чўл ҳудудида жойлашган бўлиб, 350 минг гектарлик ҳосил майдонларининг ҳаммаси коллектор-дренеж системасига боғлиқ. Кейинги 7-8 йил ичида уларга бўлган эътибор сусайиб кетган эди.

Оқибатда ерларимизнинг мелиоратив аҳволи оғирлашиб кетди. Ҳукуматимизнинг яқинда қабул қилган «Ерларнинг унумдорлигини қайта тиклаш» тўғрисидаги қарори айни муддао бўлди. Биз 8 минг гектар майдонни қайта тиклаб, чўл зонасида жойлашган суғориладиган ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Жиззах шаҳридаги пластмасса заводи базасида йилига 700 минг дона чинни буюмлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган кичик завод ишга туширилди. Айни пайтда бу корхонада 12 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Шунингдек, вилоятдаги образив заводи базасида йилига 30 минг тонна шакар, 25 минг тонна спирт ишлаб чиқарувчи Ўзбек -- Покистон қўшма корхонаси иш бошлади. Англия билан ҳамкорликда 50 минг тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга бўлган Жиззах ёғмой комбинати фаолият кўрсатмоқда. Бу комбинат чиқиндисидан 37 минг дона хўжалик совуни ишлаб чиқариш ҳам мумкин бўлади. Хорижий инвестициялар жалб қилинган ҳолда энг замонавий технологияларни жорий қилиш ниятимиз ҳам бор. Бу режаларни амалга ошириш учун вилоятимизда барча шарт-шароитлар мавжуд, табиий, иқтисодий, илмий имкониятларимиз ҳам етарлидир.

Вилоятда саноатни ривожлантириш устивор вазифаларимиздан ҳисобланади. Шу мақсадда Қўйтош конида вольфрам, волостанит ишлаб чиқарилади. Учқулочда каттагина темир, қўрғошин конлари, Бахмалда мармар конлари мавжуд. Фақат уларни тезроқ ишга тушириш керак.

Дастуримиздаги белгиланган энг асосий вазифалардан яна бири саноатни, қайта ишлаш корхоналарини қишлоққа олиб бориб, қўшимча иш жойларини ташкил қилиш ҳамда қишлоқ аҳолисини маданий-маиший ва савдо соҳаларига жалб қилиш, инфраструктурани кенгайтириш масаласидир. Ана шу мақсадда кўп капитал маблағ сарфламай туриб ҳам ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш мумкин бўлган жойларни ўрганиб чиқдик. Ҳозирнинг ўзида тайёр бинолар, йўл, электр энергияси, иссиқлик манбаи, сув ва ишчи кучи етарли бўлган бир қатор аҳоли пунктларини аниқладик. Галдаги вазифа у ерларга замонавий технология ва ускуналарни келтириб ишга туширишдан иборат. Янги сайланажак депутатларимиз муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу масалаларни парламент даражасида муҳокама қилиб, ҳал этишлари лозим бўлади.

Ишончимиз комилки, бизнинг дастуримиз вилоятимизни иқтисодий ривожлантиришда, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

# ЖАМИЯТНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДИР

## Бургутали РАПИҒАЛИЕВ, Наманган вилояти ҳокими:



САЙЛОВЛАРНИНГ муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан халқимизнинг кўтаринки кайфияти, эртанги кунга бўлган ишончига боғлиқ. Бугун одамларда бундай кайфият ҳам, ишонч ҳам бор. Мамлакатимизда рўй бераётган туб иқтисодий ўзгаришлар, аҳолининг ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиниши, амалга оширилаётган демократик жараёнлар, давлатчилик тизимининг янада мутаҳкамланаётгани олиб борилаётган сиёсатнинг тўғрилигини исботламоқда. Фидойи халқимиз эса ушбу сиёсатни қўллаб-қувватлаётир. Буни жорий йилда қўлга киритилган ютуқлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Масалан, вилоятимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўн ойлик режа 105 фоиз бажарилди, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш ҳажми эса 107 фоиз ўсди. Қувончлиси шуки, ўтган муддатда бирор-бир корхона вақтинчилик бўлса-да тўхтаб қолгани йўқ, аксинча, янгилари фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ жойларида ўнлаб қайта ишловчи завод ва цехлар ишга туширилди. Қурилиш соҳасида эса йил якунигача қарийб 300 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳам шартнома ва режалар ошириб уддаланди. Биргина пахтачиликнинг ўзидан 408 миллион 67 минг сўм фойда олиш мўлжалланаяпти. Бу сармоя, сўзсиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада обод бўлишига, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Энди бевосита бўлажак сайловлар хусусида тўхталадиган бўлсак, ҳокимлик томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Унда вилоят халқ хўжалигини иқтисодий-ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг истиқболлари ўз ифодасини топган. Хусусан, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, инсон шахси камолотини шакллантиришнинг ҳал қилувчи омили-бозор муносабатларига ўтиш борасидаги ислоҳотларни дадил амалга ошираверамиз. Айниқса, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни чуқурлаштирилади. Хорижга тайёр маҳсулотларни чиқаришнинг имкониятларини кенгайтириш мақсадида халқ хўжалигининг устивор тармоқларида илғор технологияни жорий этиш учун чет эл сармояларини жалб этиш диққат марказимизда бўлади.

Мулк эгаларига эркинлик бериш, қишлоқда саноат тизимини ривожлантириш, республикамизда ғалла мустақиллигини таъминлашга ҳисса қўшиш, ер унумдорлигини ошириш каби ўта муҳим масалалар ҳам дастуримизда белгиланган вазифалардан ҳисобланади. Яқин йиллар ичида вилоят аҳолиси ўзимизда етиштирилган дон ва дон маҳсулотлари билан тўла таъминланади. Деҳқон (фермер) хўжаликлари тармоқнинг истиқболини белгилайди. Уларнинг ҳар томонлама равнақ топиши учун нимаики зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё этилади. Бундан ташқари, халқимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, келаси йилдан бошлаб Чортоқ туманини боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликка ихтисослаштириш мўлжалланмоқда. Янги Поп каналини қуриш ҳисобига эса 24 минг гектар ер ўзлаштириб, яна бир туман ташкил этилади.

Пахтачилик ва чорвачилик эса асосан уруғчилик ҳамда қорамол зотларини яхшилаш ҳисобига ривожлантирилади. Ушбу тармоқларда ўтказилаётган ислоҳотлар пировардида дала юмушлари билан банд бўлган аҳолини хизмат соҳаларига ва саноат корхоналарига ўтказишга кенг имконият очади. Зеро, ҳозир қишлоқ хўжалигида 34 минг нафар ортиқча ишчи кучи бор.

Қурилиш ва ободонлаштириш ишларига кенг эътибор берилади. Айни кунларда Наманган -- Учқўрғон сув узатиш тармоғи бунёд этилмоқда. Бу иншоотнинг биринчи навбати 1995 йилда ишга туширилгач, Уйчи, Чортоқ, Наманган туманлари ва вилоят маркази аҳолиси ичимлик суви билан тўлиқ таъминланади. Иккинчи навбати эса барча туманларнинг тоза об-ҳаётга бўлган талабини бемалол қондиради. Шунингдек, яқин келажакда нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё миқёсидаги улкан қурилиш -- Қамчиқ довонидан ўтадиган Тошкент -- Қўқон тоғ йўлида улкан туннель барпо этиш иши бошланади. Бу ерда темир йўл ҳам тикланади. Ана шу иншоот битса, Фарғона водийси, Қирғизистон ва Тожикистоннинг қўшни вилоятларидаги транспорт муаммолари ўз ечимини топади. Айни чоғда троллейбус линиялари узайтирилиб, Наманган -- Тўрақўрғон, Наманган -- Уйчи йўналишлари ишга туширилади.

Аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади. Келаси йилиёқ вилоятимизнинг энг олис қишлоқларига ҳам «зангори олов» етказиб берилади.

Президентимиз Наманганда бўлганларида, Мингбулоқ нефт конида амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш вазифасини кўндаланг қўйгандилар. Сабаби -- мамлакатимизнинг нефт мустақиллигини таъминлашда ушбу коннинг аҳамияти катта. Шуни ҳисобга олиб, белгиланган режаларнинг тўлиқ бажарилишига эришамиз. Йил охиригача ишга тушириладиган яна иккита қудуқ ҳисобига нефть қазиб олиш яна ортади. Қолганлари ҳам келаси йилдан бошлаб бирин-кетин фойдаланишга топширилади. Мазкур ҳудудда яшаб, меҳнат қилаётган аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида яса замонавий шаҳарча барпо этилмоқда.

Қисқаси, зиммамиздаги вазифаларнинг кўламию миқёси ниҳоятда катта. Энг асосийси-уларнинг бариси халқимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилган. Вилоят ҳокими ва Олий Мажлис депутатлигига номзод сифатида мен бу вазифаларнинг рўёбга чиқарилишини ўзимнинг ҳам муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман.

Ишончим комилки, бўлажак сайловларда халқимиз энг ишонган фарзандларига овоз беради. Номзодлари кўрсатилган ҳар бир киши депутат этиб сайлангудек бўлса, фақат бир мақсад -- давлатимиз равнақи йўлида хизмат қилишига аминман. Зеро, демократик давлат барпо этиш, қонун устиворлигига тўлиқ эришиш жамиятимизнинг эртасини, мамлакатимизнинг келажагини таъминлайди. Мана шу азиз Ватанимизнинг нурли истиқболи учун яшаш, ишлаш, бор билим ва куч-қувватни сафарбар этиш барчамизнинг ватанпарварлик бурчимиздир.

## Пўлат АБДУРАҲМОНОВ, Самарқанд вилояти ҳокими



РЕСПУБЛИКАМИЗ Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар ўтказиш арафасидамиз. Ушбу тадбирларнинг қандай ўтишини бутун дунё аҳли диққат билан кузатиб турибди десак муболаға бўлмас. Зеро, сайловларимиз илк бор кўппартиялилик асосида ўтади. Демак уларнинг дунёвий сиёсат майдонидаги аҳамияти жуда катта. Вилоятимизда сайловларнинг ана шу моҳиятидан келиб, чиқиб уларга ўта масъулият билан ёндашилмоқда.

Номзодлар кўрсатиш аҳиллик, ҳамфикрлик билан ўтди. Республика Олий Мажлисига 25 нафар, вилоят Кенгашига 60 нафар, шаҳар ва туманлар Кенгашларига 549 нафар депутат сайлашимиз керак.

Сайловолди дастурларимизни пухта ўйлаб олдик. Улар асосан нималардан иборат?

Шуни айтиш керакки, биз мутлақо янги масала ва муаммолар кўтариб чиқмоқчи эмасмиз. Чунки зиммамизда мустақиллигимиз қўйган талаблар асосидаги улкан вазифалар ижросини тўла таъминлаш масъулияти турибди. Бу вазифалар Президентимиз раҳбарлигида жумҳуриятимизда янги жамият қуриш йўлидаги давлат сиёсатидир.

Халқимиз тўла маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаётган бу сиёсатнинг муҳим йўналишларини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биринчидан: Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик бош шиоримиз бўлиб қолади. Президентимизнинг мана шу энг муҳим сиёсий ютуғимизни мустаҳкамлаш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларига астойдил қўшиламиз ва бунга муносиб ҳисса қўшамиз.

Иккинчи йирик ютуғимиз: иқтисодий ислоҳотларни тўғри йўлга қўйиб олганимиздир. Дарҳақиқат:

-- хусусийлаштириш;

-- мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, ҳақиқий эгасига топшириш;

-- тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очиш катта самаралар бермоқда.

Бу йўналишда ҳукуматимиз улуғвор ишларни амалга оширганини алоҳида таъкидлаш керак. Халқнинг қўлида мулк пайдо бўлди. Минглаб, миллионлаб одамлар мулк эгаси бўлди. Жумладан, улар, уй-жой, техника, савдо, маиший ва бошқа хизмат дўконлари, корхоналар сотиб олишди. Ўз маблағларига янги-янги кичик-катта корхоналар қуришди. Халқнинг қудратли кучи, имкониятлари ишга солинди.

Бизнингча, шу тариқа кичик хусусийлаштириш амалга ошди. Энди навбат катта хусусийлаштиришга. Бу борада биз алоҳида дастурларимизни яна бир бор қайтадан аниқ тузиб чиқдик. Уларни тўла амалга ошириш йўлидан борамиз.

Учинчидан: қишлоқда иқтисодий ислоҳотни кучайтиришга жиддий эътибор қаратишимиз керак. Ерни ўз эгасига топшириш, деҳқончиликни саноат ишлаб чиқариши билан боғлаш доирасини кенгайтириш лозим. Албатта, бу борада кўп ишларга улгурдик.

Кейинги 2-3 йилда 65 минг гектар ер деҳқон-фермерларга берилди. Уларнинг қўлида 15 бошдан 200 бошгача мол бор.

Умуман, ҳозир вилоятимиз аҳолиси қўлида қорамол 1 миллиондан, қўй-эчкилар 500 мингдан ошиб кетди. Гўштнинг 91 фоизи, сутнинг эса 98 фоизи нодавлат йўли билан ишлаб чиқарилмоқда.

Ислоҳот самараларини изчил ошириб бориш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимини ўзгартиришимиз ҳам керак. Қатор соҳаларда йирик бирлашмалар ўрнига агрофирмалар тузилди. Мустақиллик ва манфаатдорлик натижаларига кўра бу ўзини оқлаяпти. Шу боис дастуримиздан мавжуд эскича қарашлар ва услубларга барҳам бериб, юқоридаги ўзгаришларни чуқурлаштириш ўрин олган. Бинобарин, бошқарув тизимини такомиллаштириш, қисқартириш, ижро интизомини кучайтириш лозим. Чунки жуда кўп яхши қонун ва қарорлар жойларда етарли ишламаяпти.

Республикамизнинг ғалла мустақиллигини таъминлашга катта улуш қўшамиз. Бу йил давлатга 160 минг тонна ғалла сотдик. Келаси йили 460 минг тонна ғалла ишлаб чиқарамиз.

Умуман ғаллачилик ва пахтачиликда биз 1995 йил учун мукаммал дастур тайёрладик. Ҳар икки соҳада ҳам муҳим йўналиш-эгалик ҳиссини шакаллантириш билан боғлиқ. Бу йилги камчиликлардан сабоқ чиқарилди.

Тўртинчидан: қишлоқда ижтимоий соҳани ривожлантириш. Йўл, газ, сув, кичик ва қўшма корхоналар, мактаб, боғча, даволаш муассасалари қурилишини, ободончилик ишларини давом эттирамиз.

Масалан, 3 йилда 1000 километр ичимлик суви узатиш ва 3500 километр газ тармоқлари ётқизилди. Газлаштириш 24 фоиздан 60 фоизга етди. Минг километр йўл, 92 минг ўқувчига мақтаб, 10 минг болага боғча, 3 минг тўшакли шифохона қурилди. Келгаси йилда ҳам шу суръатда иш олиб борилади.

Қишлоқ ижтимоий соҳасини ривожлантириш, бу ерда саноат негизини кучайтириш билан узвий боғлиқ масаладир. Қисқа вақтда биз 10 та саноат корхонаси, ҳар бир туманда озиқ-овқат тайёрлаш комбинатларини қуриб ишга туширдик. 2 минг кичик корхона, 60 та қўшма корхона ташкил этилди. Жомбой туманида йилига 50 миллион долларлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш комбинати яқин орада фойдаланишга топширилади.

Буларни кам деб биламиз, албатта. Шу боис ҳар бир қишлоқда, маҳаллада, кичик корхоналар бўлиши дастуримизнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Бешинчидан: маданият, маърифат ва мафкура ишларимизни юксак даражага кўтариш дастуримизнинг асосий йўналишларидандир. Зеро, маданиятли, маърифатли халқ ишбилармонлик ва тадбиркорликни, тижорату зиёратни ўрнига қўяди. Инсонпарварлик, ватанпарварлик фазилатига эга бўлади.

Бу борада анча тажриба орттирдик. Масалан, халқ таълимига эътиборни ниҳоятда кучайтирдик. 4-5 йилда 90 дан зиёд авария ҳолатидаги мактабга барҳам бериб, улар ўрнига замонавий бинолар қуриб берилди. 8 та гимназия ва лицей очилди.

Ҳозир 5 та олий ўқув юрти ишлаб турибди. Яқинда Самарқанд чет тиллар институтини ташкил этиш ҳақида Президентимизнинг Фармони чиқди. Бу жуда катта имкониятлар беради. ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тарихини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот институти йил охиригача очилади.

Олтинчидан: ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрига етмайди, дейди халқимиз. Биз улуғ тарихимизни, етук қадриятимизни теран англамай туриб, уларни ўрнига қўёлмаймиз. Шу боис қадршунослик, буюк аждодларимиз анъаналарини тиклаш дастуримизнинг муҳим қисмидир.

Мустақиллик шарофати билан Мирзо Улуғбек, Хўжа Аҳрори Вали, Абу Мансур Мотурудий, Маҳдуми Аъзам, Абу Лайс Самарқандий каби улуғ аждодларимиз тантаналарини зўр ихлос билан нишонладик. Гўри Амир мақбараси, Улуғбек мадрасасини тўла таъмирладик. Тиллақори, Шердор, Бибихоним ва бошқа обидаларимизни таъмирлаш давом этаяпти.

Амир Темурнинг машҳур 14 та боғини тикладик. 20 минг гектар майдонда боғ ташкил этилди. Чўпонотада улуғ бобомизнинг «Боғи нақши жаҳон» боғига асос солинди. Улар чойхона, ошхона, оромгоҳлар билан обод бўлди. Янги-янги иш жойлари яратдик. Буларнинг ҳаммаси қадршуносликдан катта сабоқ берди. Шу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириш режаларимиз алоҳида дастурдир.

Еттинчидан: биз Самарқанддек дунёга машҳур шаҳарнинг туризм имкониятларидан тўла фойдаланишимиз керак.

Ҳозир 50-60 минг сайёҳни қабул қилаяпмиз. Лекин алоҳида ишлаб чиққан дастуримизга кўра, яқин 2-3 йил ичида сайёҳлар сонини 1 миллионга кўтариш ҳаракатидамиз. Энди туризмдан келадиган даромаднинг 80 фоизи вилоятда қолади.

Бу галдаги сайлов демократик давлат тизимини шакллантиришда ўзига хос бир мактаб бўлиб қолади.

Ўйлайманки, Олий Мажлисга ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар уюшқоқлик билан ўтади.

## Абдухолиқ АЙДАРҚУЛОВ, Навоий вилояти ҳокими:



МИЛЛИЙ истиқлол бизга янги жамият қуриш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, ҳар бир қарич ери бениҳоя муқаддас бўлган она-Ватанимизни гуллабяшнатиш ва халқаро майдонда ўзига мос ўринни топишини таъминлаш учун эркинлик берди, шарт-шароитлар яратди. Янги Конституция ва сайловлар тўғрисидаги қонунлар асосида бўлиб ўтадиган сайловлар ҳақиқий демократия ва эркинликни яна бир марта бутун жаҳонга намойиш этадиган сиёсий воқеа бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Бу катта сиёсий тадбир республикамиздаги соғлом кучлар нақадар қудратли салоҳиятга эга эканлигини ва улар ўзаро қанчалик мустаҳкам жипслашганлигини жиддий синовдан ўтказиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сайловчиларга ҳавола этадиган дастур масаласига келганда, шуни айтиш керакки, энди олдинги сайловлар давридаги ваъдабозликлардан йироқ туришимиз керак. Биз энди вазиятни қандай бўлса ўшандай баҳолаб, аҳволни яхшилаш учун нима ишлар қилиш кераклиги, бажариш имконияти бор муаммоларга эътиборни қаратишимиз зарур. Бунда иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, хомашёни сифатли қайта ишлашни йўлга қўйиш, бошқаларга қарамликдан тезроқ халос бўлиш, бозор иқтисоди муносабатлари келтириб чиқарадиган тартиб-қоидаларга мос фаолият кўрсатиш талаб этилишини очиқ-ойдин айтишимиз лозим.

Вилоятимизда Республика Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларнинг янги қонунларга асосан юксак савияда ўтиши учун қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Барча сайлов комиссиялари қонунларда белгиланган муддатларда тузилди ва улар ўзларига берилган ваколатлар асосида фаолият кўрсатмоқда. Биз вилоят, туман, шаҳар ва округлар сайлов комиссиялари билан иш олиб боришда сайловларнинг ўзига хос томонлари нималардан иборат эканлигига, масаланинг қайси жиҳатларини диққат марказида тутиш кераклигига, депутатликка номзодлар ва сайловчилар билан муносабатларда қандай йўл тутиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Республика мустақиллигининг дастлабки меваси сифатида 1992 йил бошида қайта тикланган вилоятимиз ҳудудий-жуғрофий тузилиши, унда яшовчи аҳолининг миллий таркиби, ишлаб чиқаришнинг кенг тармоқли эканлиги билан ўзига хосдир. Бу хусусиятларни вилоят халқ хўжалиги тармоқларининг хилма-хиллиги ва экологик вазиятнинг танглиги билан уйғунлаштириб тасаввур этадиган бўлсак, олдимизда турган вазифалар нақадар мураккаб ҳамда маъсулиятли эканлигини яққол ҳис этиш мумкин. Шунга қарамай, вилоят қайта тикланганидан буён ўтган 3 йил ичида муайян ишлар қилинди. Шу даврда 700 чақирим масофага табиий газ, 500 чақирим масофага тоза ичимлик сув қувурлари ётқизилди. Республиканинг чекка минтақасида жойлашган тоғли Нурота, Қизилқум саҳросига туташ Навбаҳор ва Конимех туманлари аҳолиси ҳам табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Турар-жой бинолари, мактаб, мактабгача тарбия, медицина иншоотлари барпо этишда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Бугунги кунда ўз маҳсулотлари билан мамлакатга танилиб қолган «Зариспарк» ва «Агама» каби бир қатор қўшма корхоналар, кўплаб кичик корхоналар қурилиб фойдаланишга топширилди. Республика Президенти ва ҳукуматининг бевосита саъй-ҳаракатлари билан Учқудуқда олтин саралаш заводи, Конимехда катта фосфарит комбинати қурилишлари бошлаб юборилди. Айни пайтда «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси қурилиши давом этмоқда. Четдан хомашё олиб келиш ҳисобига ишлайдиган Электркимё, «Навоиазот» бирлашмаси каби йирик корхоналарда ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилаяпти.

Вилоят ишлаб чиқаришида, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳал этилиши муҳим бўлган муаммолар жуда кўп. Республикадаги жаъми қоракўл қўйларнинг учдан бир қисми боқиладиган минтақамизда тайёрланаётган хомашёни қайта ишловчи, янги технология асосида жиҳозланган корхоналар йўқ. Биз вилоят иқтисодиётини соғломлаштириш учун мазкур йўналишда катта ишлар қилишимиз лозим. Кейинги 5--10 йил ичида амалга оширилиши лозим бўлган дастурларимиз аниқ, қатъий режаларга эгамиз. Биз иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, сайловларга тайёргарлик тадбирларини уюштиришда вилоятда мавжуд ана шу муаммоларни диққат марказида тутаяпмиз.

Сайловларнинг юқори савияда, демократик тарзда юксак уюшқоқлик билан ўтиши кўп жиҳатдан тузилган сайлов комиссиялари фаолиятига, уларнинг ташкилотчилигига ва талабчанлигига боғлиқ. Айни пайтда вилоятимизда вилоят, туман ва шаҳарлар сайлов комиссиялари, Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 9 та округ сайлов комиссияси, вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 50 та, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи 380 та сайлов комиссияси ишлаб турибди. Сайловларни уюштириш ва ўтказишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган участка сайлов комиссиялари ҳам ўз ваколати доирасига кирувчи юмушларни бажармоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, сайловларнинг кўппартиялилик асосида муқобил номзодлар билан ўтиши бутун дунёда тан олинган сайлов демократиясининг энг олий белгиларидан бири. Халқимиз ўзи ишонган кишисини ўз хоҳиши билан танлаш ва унинг учун овоз бериш имкониятини қўлга киритганидан фахрланиши керак.

Номзодларни тарғиб ва ташвиқ қилиш масаласига келганда шуни айтиш керакки, биз номзод қаердан кўрсатилганига қараб иш олиб бормаслигимиз керак. Чунки, номзодларнинг ҳаммаси халқимизнинг асл фарзандлари. Уларнинг мақсадлари ҳам ягона. Шу боис тарғибот ва ташвиқот ишларида ўзаро ҳурмат, бир-бирини қадрлаш, ҳеч кимни камситишга йўл қўймаслик принципига асосланилмоқда.

Республикамизда ва унинг барча вилоятларида тинчлик, осойишталик ҳамда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ҳукм сурмоқда. Халқимиз Республика Президенти ва ҳукуматининг ички ҳамда ташқи сиёсат бобидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаган ҳолда эркин ижодий меҳнат билан шуғулланмоқда. Бундай муҳит ишлаб чиқариш тармоқларида ҳам, ижтимоий-сиёсий соҳада ҳам кўзланган мақсадларга эришиш учун мустаҳкам асос беради. Халқимиз руҳидаги кўтаринкилик, қийинчиликларни матонат билан енгиш кайфияти истиқбол сари интилишларга қудратли куч бахш этаверади.

## Ғуломқодир ҲАСАНОВ, Сирдарё вилояти ҳокими:

ВИЛОЯТИМИЗДА сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва уни ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Шунга мувофиқ халқ депутатлари вилоят кенгаши, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси Олий Мажлис, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига ўз номзодларини кўрсатдилар ва улар сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинди.

Айни кунда сайловларга таёргарлик ишлари қизғин паллага кирди. Асосий вазифамиз сайловчиларга бу сиёсий тадбирнинг моҳиятини ва сайловда қатнашиш тартибини тушунтиришдан иборат бўлмоқда. Шунинг учун ҳам жойларда фаолият кўрсатаётган сайлов комиссияси аъзоларининг диққат-эътибори кўпроқ шу масалаларга қаратилмоқда. Барча меҳнат жамоалари ва аҳоли яшайдиган жойларда ўтказилаётган «Ахборот кунлари»мизнинг мавзуси ҳам шундан иборат бўлмоқда.

Вилоят ҳокимлиги депутатликка номзодлар билан ҳамкорликда вилоят ҳокимлигининг 1995-2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган сайловолди дастурини ишлаб чиқди. Унда вилоятимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотлар йўли ўз ифодасини топган.

Қишлоқ хўжалиги вилоятимизда етакчи тармоқ ҳисобланади. Шуни назарда тутиб келажакда деҳқончиликни ривожлантиришга катта аҳамият берганмиз. Илгари ўзлаштирилган ерларни реконструкция қилиш, ирригация ва мелиорация ишларини яхшилаш, алмашлаб экиш ва янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ҳосилдорликни ошириш мақсад қилиб қўйилди. 1995 йилнинг охиригача Ховос туманининг юқори қисмига сув чиқариш учун қурилган насослар тўлиқ ишга туширилади. Бу эса 5 минг гектар ерни ўзлаштириш имконини туғдиради. 1999 йилгача 6,5 минг гектар боғ, 4 минг гектар узумзорлар қайта тикланади. Республикамизда ғалла мустақиллигини таъминлаш мақсадида дон экиладиган майдонлар 1,6 марта кўпайтирилади. 1995 йилнинг ўзида 277 минг тонна бошоқли дон етиштирилади. Вaҳоланки, вилоят аҳолисини дон ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 114 минг тонна буғдой етарли.

Келгуси йилдан бошлаб вилоятимиз аҳолисини картошка, сабзавот, мева, узум ва чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш чора-тадбирларини белгилаяпмиз. Саноатни қишлоққа кўчириш имкониятлари ҳам қидирилаяпти. Қишлоқларда ташкил этилган кичик корхоналарни шаҳардаги саноат корхоналарида тайёрланган ип-газлама билан марказлашган ҳолда таъминлашни мақсад қилиб қўйганмиз.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан бир гуруҳ вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ривожланган мамлакатларга бориб, тажриба ўрганиб қайтдилар. Биз дастуримизни амалга оширишда ана шу тажрибага асосланамиз.

Қишлоқ хўжалигида мулк шаклларини ўзгартиришга алоҳида аҳамият берилади. Давлат тасарруфидаги мулк жамоа, ширкат, хусусий мулк қилиб берилади. Деҳқон (фермер) хўжаликлари янада ривожлантирилади. Фермерлар фойдаланадиган ер ҳажми 24 минг гектарга етказилади.

2000 йилгача вилоятимизда пахта толасини қайта ишлаш яна 15 баравар кўпайтирилади. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар қуриш эвазига қўшимча 40 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишланади ва жами қайта ишланадиган маҳсулотлар ҳажми 51 минг тонна бўлади.

Аҳолининг қанд-шакарга бўлган талабини қондириш мақсадида Сайхунобод туманида бир кеча-кундузда 5 тонна шакар ишлаб чиқарадиган қанд заводи қурилиши яқин кунларда бошлаб юборилади. Бу ўз навбатида вилоятимизга четдан қанд олиб келишни камайтириш имконини беради. Гулистон шаҳрида 19 миллион погон-метр мато ишлаб чиқарадиган фабрика, Боёвут туманида 1 минг тонна калава ип йигирадиган фабрика қурилиши мўлжалланган. Гулистон пахта заводи қошида дока ва бинт ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ховос туманининг Баландчақир қишлоғида Гулистон сут заводининг бўлими фойдаланишга топширилади.

Аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи алоҳида эътиборга олинади. 1995-1996 йилларда Сайхунобод ва Мирзаобод туманларида суткасига 20 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган заводлар, Янгиер ва Сирдарё шаҳарларида йилига 720 тонна макарон ишлаб чиқариладиган цехлар ишга туширилади.

Иқтисодий қийинчиликларга қарамай 1995 йилнинг ўзида 98 минг квадрат метр уй-жой, 8 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 400 ўринли болалар боғчалари қуриш режалаштирилган. Яқин йиллар ичида биргина Ховос туманининг ўзида учта ғишт заводи қуриб битказилади. Янгиер шаҳри ва Боёвут туманидаги ғишт заводлари қайта жиҳозланади. Франциялик биродарларимиз Янгиердаги Керамика заводида пишган ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун асбоб-ускуналар сотиб олишимизга кўмаклашмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси 2000 йилга бориб ҳозиргидан уч марта кўп ғишт ишлаб чиқариш имконини беради.

Германиялик мутахассислар билан биргаликда чанқовбосди ичимликлар, биринчи навбатда «Пепси-кола» ишлаб чиқаришни режалаштираяпмиз. Канаданинг «Делка» фирмаси Гулистондаги консерва заводида мева шарбати, болалар озиқ-овқатлари ишлаб чиқариш мақсадида асбоб-ускуналар келтира бошлади. Барнаулдаги «Алтайтрактор» ҳиссадорлик жамияти ва Сирдарё «Алтайсервис» техник маркази билан ҳамкорликда «Ўзалтайтрактор» қўшма корхонасини ташкил этдик. У яқин йиллар ичида биргина вилоятимизни эмас, бутун Республикамизни «Т-4А» трактори билан таъминлайди. Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан тузилган шартномага мувофиқ вилоятимиз шаҳарларидаги барча автомат станциялари қайта таъмирланади ва 40 минг номерли замонавий автомат телефон станцияси қурилади. Буни 1995 йилнинг 1 сентябригача ишга тушириш мўлжалланган.

Аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш доим диққат-эътиборимизда бўлади. Гулистон -- Янгиер -- Пахтаобод сув тармоғи қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилади ва ишга туширилади. Биргина 1995 йилнинг ўзида 200 километр сув ўтказиш тармоғини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Келгуси йили 370 километр газ тармоқлари қурилиб, энг чекка қишлоқларга ҳам зангори олов етиб боради. 1999 йилгача вилоятимиз аҳолиси табиий газ билан тўлиқ таъминланади.



Вилоят бюджетининг 80 фоизи ижтимоий соҳаларни ривожлантириш мақсадларига сарфланади. Аҳолига тиббий хизматни яхшилаш учун Гулистон шаҳрида кўп тармоқли болалар шифохонаси ва онкологик диспансер, Сирдарё шаҳри, Мирзаобод ва Ховос туманининг Баландчақир қишлоғида касалхоналар ишга туширилади. Оқ олтин ва Ховос туманида 60 ўринли, Сирдарё туманида 120 ўринли туғруқхона қурилади. Вилоят болалар касалхонаси кенгайтирилади ва 120 ўринли жарроҳлик бўлими очилади. Вилоят касалхонаси қошида суткасига 5 мингта полиэтилен шишада шифобахш маъдан суви ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Вилоятимизда Россиянинг «Биопрепарат» фирмасининг бўлими ишга тушиши мўлжалланяпти. Дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу бўлим вилоятимиз аҳолиси билан бир қаторда бошқа вилоятларнинг ҳам дори-дармонга бўлган талабини бироз қондиради. 1996 йилдан бошлаб Швециянинг «Фармадуль» фирмаси билан ҳамкорликда фаолият кўрсатувчи қўшма корхона дори-дармон ишлаб чиқаришга киришади. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатлами кафолатли ҳимояланади. Халқлар ўртасида дўстлик, биродарликни мустаҳкамлашга кенг йўл берилади.

Беш йил ичида иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва маънавиятда амалга ошириладиган режаларимиз аниқ. Ишончимиз комилки, дастуримиз ҳаётда ўз ифодасини топишида халқ ишончига сазовор бўладиган депутатларимиз фаол иштирок этадилар.

